



ЎҒИРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ЖИНОЙИ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Турдиев Сарвар Илхомович

Фарғона вилояти Кува тумани ИИБ ҳузуридаги

Тергов бўлими терговчиси

Аннотация. Ушбу мақолада ўғрилик жинояти, унинг моҳияти, давлатнинг иқтисодий бақарорлигига таҳдиди, мулкий турдаги бошқа жиноятлар билан қиёсий таҳлили ва жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлили ёритилган.

Калит сўзлар: ўғрилик, ўзганинг мол-мулки, моддий зарар, яширин талон-торож, йўқотилган мулк, конституция, ўзлаштириш ва растрата.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Ҳуқуқ-тартибот идоралари тизимида ҳам замон талабларидан келиб чиққан ҳолда кенг қамровли ўзгаришлар амалга оширилмоқда ва бунинг натижасида жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш бўйича самарали натижаларга эришилмоқда. Ушбу амалга оширилган ислохотлар давлатимизнинг тараққиёти, жамиятимиз ривожига ва халқимиз манфаатига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Янги Конституцияси 65-моддасида “Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмас” деб ёзилган²⁰. Ушбу норма муҳим аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан, давлат иқтисодий сиёсатининг асосий тамойилларини белгилайди, иккинчидан иқтисодий сиёсатимизнинг мазмун-моҳияти, асосий йўналишларини Конституция даражасида эътироф этади, учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёти бозор муносабатларига асосланганлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди. Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан мулкни ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ўзганинг мол-мулкни яширин равишда таълон тарож қилиш ўғирлик деб ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддасида ушбу ижтимоий ҳавфли қилмиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

М.Ҳ.Рустамбоев ҳақли равишда таъкидлаганидек, “ўзганинг мулкни яширин равишда талон-торож қилиш ёки ўғрилик иқтисодиёт соҳасидаги энг кенг тарқалган жиноятлардан биридир. Талон-торож қилишнинг барча шакллари ичида ўғрилик жинояти содир этилиш усули жиҳатидан энг хавфи камроғи деб топилиши мумкин: унда жисмоний ёки руҳий таъсир этиш

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. янги таҳрирда 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган



кўлланилмайди; айбдор уни содир этишда ўзидаги ваколатлардан ва мол-мулкни эгаллашда алдашдан фойдаланмайди. Айбдор ҳуқуққа хилоф ва яширин равишда, яъни бошқа шахслардан яширин ҳолда мулкдорнинг хоҳиш-иродасига қарши ўзганинг мулкни ўзлаштиради ва уни ўзининг мулки сифатида тасарруф эта бошлайди. Бироқ ўғрилик, статистика кўрсатишича, ўзганинг мулкни талон-торож қилишнинг энг кенг тарқалган усулидир ва бу унинг ижтимоий хавфлилигини оширади”²¹.

Р.Қ.Кабулов ҳам ҳақли равишда ўғрилик жиноятининг ижтимоий хавфлилики даражасини унинг яширин тарзда содир этилишида эканлигига урғу бериб ўтади²². Ушбу масала Э.С.Тенчов қарашларида ҳам ўз аксини топган: “Ўғриликнинг тенг шарт-шароитларда қонунда белгиланган талон-тарожнинг бошқа шаклларида қараганда нисбатан ижтимоий хавфлилиги камроқ бўлиб, қонунда ўзгалар мулкни яширин талон-тарож қилиш сифатида мустаҳкамланган”²³. Зотан, мазкур қилмиш ҳақиқаттан ҳам талон-тарож жиноятларининг бошқа шаклларида айнан содир этилиш усули билан фарқланади.

Л.Д.Гаухман ўғрилик жинояти тушунчасини “ўзгалар мулкни яширин равишда талон-тарож этиш, яъни бошқа шахс мулкни айбдор ёки учинчи шахс фойдасига ўзлаштирилиши” билан боғлайди²⁴.

Ўғрилик жиноятларининг ижтимоий хавфлилиги шундаки, бу турдаги жиноятлар натижасида шахсий ва хусусий мулкка моддий зарар етказилади. Шу билан бирга, жиноят содир этган шахсларнинг ўз вақтида аниқланмаслиги ва жавобгарликка тортилишининг таъминланмаслиги, бир томондан, уларнинг ғайриқонуний бойлик орттиришига, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан текинхўрларча ҳаёт кечиришига имкон яратса, бошқа томондан, бу ҳолатлар жиноят содир этган шахслар учун жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлиги таъминланмаслигига, ўғриликдан жабр кўрган шахсларга жиноят натижасида етказилган моддий зарарнинг қопланмаслигига ва одамлар онгида ички ишлар органларининг ўз вазифаларини бажармаётганлиги ҳақида фикр шаклланишга ҳамда пировард-натижада давлат хокимиятига нисбатан ишончининг йўқолишига олиб келади.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддасида ўғрилик жинояти учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, ушбу жиноятнинг субъекти 14 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

²¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм/М. Рустамбаев. - Тошкент: «Yuridik adabiyotlar publish», 2021. - 453 б.

²² Кабулов Р. Уголовно-правовые меры борьбы с хищениями: Теория и практика. Дис.доктор.юр.наук. - Ташкент, 1997. - 27 Б

²³ Тенчов Э.С. Квалификация преступлений против социалистической собственности. Иваново, 1981. 84-б

²⁴ Гаухман Л. Д., Максимов С. В. Уголовная ответственность за преступления в сфере экономики — АО «Центр ЮрИнфоР» — 1996. 86-б



Таъкидлаш лозимки, мулкни яширин талон-торож қилиш ўғирланаётган мулкка нисбатан уни тасарруф этиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш бўйича муайян ваколатларга эга шахс томонидан содир этилган бўлса, бу қилмиш Жиноят кодекси 167-моддаси (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш) бўйича квалификация қилинади. Ушбу модданинг биринчи қисми бўйича жинойий жавобгарлик фақатгина ташкилот, муассаса ва корхоналардан ходим томонидан ўғирланган мулкнинг умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваридан юқори бўлганда келиб чиқади. Акс ҳолда шахс Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддасига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Агар устав фондида давлат улуши бўлмаган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мол-мулкни ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан содир этилган оз миқдорда талон-торож қилиш уларнинг ходими томонидан содир этилган бўлса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддасига кўра фақат мазкур корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарининг аризасига кўра жавобгарликка тортиш мумкин. Бу ерда неча мартаба майда ўғрилик содир этилганидан қатъи назар, шахс фақатгина маъмурий жавобгарликка тортилади.

Кўп ҳолларда касбий таълими ва даромаднинг қонуний манбаи бўлмаган, ота-онасиз қолган, ноқобил оилада тарбия топган ёшлар ўғирлик жиноятига қўл уради. Айрим шахсларнинг спиртли ичимликларни мунтазам истеъмол қилиши, гиёҳвандлик воситалари истемол қилишга ўрганиб қолганлиги уларни осон пул топиш йўллари топишга, яъни ўғирлик жиноятини содир этишига олиб келмоқда.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “ўғрилик” ва “жиноят” тушунчаларининг луғавий маъноси қуйидагича изоҳланган. Ўғрилик – “ўғрилаб қўлга киритилган, жинойий йўл билан ўзлаштирилган мулк” жиноят – “айб, гуноҳ жинойий иш, давлат қонунлари билан белгиланган тартибга хилоф ва шу қонунларга асосан жавобгарликка тортишни талаб қиладиган, жамоат учун хавfli хатти-ҳаракат маъноларни билдиради²⁵.

Талон-торож қилиш – бу бировнинг мулкни ўзининг ёки бошқа шахсларнинг фойдаси учун, мулкдорга ёки ушбу мулкнинг бошқа эгасига зарар келтириб, қонунга зид ва ҳақ тўламай ундириш. Талон-торож қилиш – бу кўп маъноли тушунча бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунига мувофиқ, мулкка қарши жиноятларнинг маълум бир гуруҳини, яъни босқинчилик (ЖКнинг 164-моддаси), товламачилик (ЖКнинг 165-моддаси), талончилик (ЖКнинг 166-моддаси), ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (ЖКнинг 167-моддаси), фирибгарлик (ЖКнинг 168-моддаси), ўғрилик (ЖКнинг 169-моддаси) каби ижтимоий хавfli қилмишларни ўз ичига қамраб олади. Талон-торож қилишнинг яширин усули деганда, мулк эгаси ёки мулк

²⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/%20-%20E.pdf



ишониб топширилган ёки ихтиёрида турган шахсга сездирмасдан, улар йўқ вақтда ёхуд мулкдор ёки бошқа шахс лар мулкнинг талон-торож қилинаётганини тушунмаган вақтда содир этилиши тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзгалар мулкни ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорида ўғриликка қуйидагича таъриф берилади: “Жабрланувчининг ёки бошқаларнинг йўқлигида ёки улар бор бўлсада, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкни яширин талон-торож қилиш ўғрилик ҳисобланади. Борди-ю, жабрланувчи ёки бошқалар мол-мулкнинг олинаётганлигини кўрган бўлсада, лекин айбдор билдирмасдан ҳаракат қиляпман деб ўйлаган бўлса, бундай қилмишни ҳам ўғрилик деб тавсифлаш лозим”²⁶. Шунини таъкидлаш жоизки, ўғрилик учун ўзганинг эгаллигида бўлган мулкни олиб қўйиш хосдир. Бироқ ўғрилик айбдорнинг мулкка нисбатан бошқа муайян ҳуқуқи бўлган (масалан, вақтинча қараб туриш) мулкни ўғрилаш ва эгаллашга ҳам қаратилиши мумкин. Бу ерда ишлаб чиқаришда ишчи томонидан хом ашёни ёки тайёр маҳсулотни, жабрланувчи томонидан вақтинча қараб туришга ташлаб кетилган мулкни, магазинда кийиб кўриш учун олинган мулкни, аравакашга етказиб бериш учун топширилган мулкни ўғрилаш назарда тутилмоқда.

Хулоса қиладиган бўлсак, ўғриликда ўзганинг мулкига қаратилган тажовуз назарда тутилади. Шахс ўз мулкига нисбатан қонунга хилоф қилмишни содир этса, бу ҳолат талон-торож ҳисобланмайди. Шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, мулк ва унинг эгаси бир шахс бўлмайди (масалан, гаров сақлаш шартномаси ва ҳоказолар). Мулкдорнинг мулк эгасидан ғайриқонуний равишда мулкни олиши талон-торож деб қаралиши мумкин эмас. Чунки бунда мулкнинг муносабатларга зарар етмайди. Бундай қилмиш ўзбошимчалик деб тавсифланиши мумкин. Ўғрилик натижасида мулк эгасининг ихтиёридаги мулкнинг ҳажми ва миқдори камайиб, у айбдор эгаллаб олган ашё ва нарсалардан фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўғрилик жиноятига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: “ўғрилик – бу бировнинг мулкни ўзининг ёки бошқа шахсларнинг фойдаси учун, мулкдорга ёки ушбу мулкнинг бошқа эгасига зарар келтириб, қонунга зид ва ҳақ тўламай яширин, хуфя равишда ёхуд ўғрилик содир этилганлигини англамаётган шахслар кўз олдида очикдан талон-торож қилишдир”.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзгалар мулкни ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 1999 йил 30 апрелдаги №6 сон қарори



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. янги тахрирда 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орали қабул қилинган
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм/М . Рустамбаев. - Тошкент: «Yuridik adabiyotlar publish», 2021. - 453 б.
3. Кабулов Р. Уголовно-правовые меры борьбы с хищениями: Теория и практика. Дис.доктор.юр.наук. -Ташкент,1997. - 27 Б
4. Тенчов Э.С. Квалификация преступлений против социалистической собственности. Иваново, 1981. 84-б
5. Гаухман Л. Д., Максимов С. В. Уголовная ответственность за преступления в сфере экономики — АО «Центр ЮрИнфоР» — 1996. 86-б
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/%20-%20E.pdf
7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзгалар мулкини ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 1999 йил 30 апрелдаги №6 сон қарори